

ORIENTAL JOURNAL OF MEDICINE AND NATURAL SCIENCES


Open Access, Peer Reviewed Journal

Scientific Journal



- Medicine
- Pharmaceuticals
- Biology
- Chemistry
- Geology
- Agriculture





БИОПОЛИМЕРЛАР ХИТИН ВА ХИТОЗАННИНГ ТАБИАТДА ТАРҚАЛИШИ

Садуллаева Мұхаббат Комил қызы

*Бухоро мұхандислик технология институти
Кимёвий технология кафедрасы магистри*

Курбонова Феруза Нуруллоевна

*Бухоро давлат тиббиёт институти Тиббий кимё
кафедрасы доценти, к.ф.ф.д. (PhD)*

Хайдаров Ахтам Амонович

*Бухоро мұхандислик технология институти Кимё
мұхандислиги кафедрасы профессори, т.ф.н., доцент.*

Аннотация

Мақолада XI аср биополимери деб ҳисобланған хитин ва хитозаннинг табиатда тарқалиши ва уларни турли хом ашёлардан ажратиб олиш ҳақидағи илмий белгилар таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: хитин, хитозан, биодеградацияланувчи полимерлар, ҳашаротлар, замбуруғ, қисқичбақасимонлар.

Ҳозирда табиий биополимерларни, хусусан, полисахаридларни ва уларнинг турли ҳосилаларини амалиётда қўллаш борган сари кенгайиб бормоқда. Дунё илмий-техникавий тараққиёти соҳасида олиб борилаётган чуқур изланишларнинг энг муҳим ютуқларидан бири – янги, истиқболли порлоқ материаллардан деб саналаётган хитин ва хитозан, шунингдек уларнинг ҳосилаларини яратиш, ҳамда амалиётда жорий этиш бўлди.

Ҳозирги вақтда жаҳон бўйича йилига 3000 тонна атрофида хитин ва унинг ҳосилаларини ишлаб чиқарилмоқда. Айни пайтда бу полимерни ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш имконини берувчи хитин сақловчи хомашёларни катта заҳираси мавжуд. Табиий ресурслардан рационал фойдаланиш, экологик муаммоларни бартараф этиш, биодеградацияланувчи полимерлардан фойдаланишни кенгайтиришга эътибор ортаётган бир вақтда хитиннинг кимёвий ҳоссаларидан кенг имкониятлар яратиш учун хом ашёни бошқа истиқболли турларини ишлаб чиқиш лозим[1].

Хитин ҳашаротлар, сув ўтлар қисқичбасимонлар танасида, замбуруғ катакларида ипак қурти ғумбагида, арилар таркибида бошқа минерал моддалар, оқсил ва меланин пигменти билан бирга комплекс ҳолда учрайди ва ҳашаротлар таянч системасини ҳосил қилишда муҳим аҳамиятга эга. Табиатда хитин ажратиб олиш имконияти мавжуд бўлган табиий манбаалар кенг ва хилма-хилдир.





1-расм. Хитин сақловчы хом ашёлар

Россиянинг узоқ шарқида қисқичбақа тутадиган корхоналарида, хитин ва хитозан учун хомашё сифатида қуидаги қисқичбақаларнинг: Камчатка, кўк, опилио ва берди қисқичбақаларнинг бош кўкрак қисми ва оёқлари тайёрланади.

Қисқичбақаларнинг табиий хитини тўлиқ атсетиллашмаган ва у 82,5% гача атсетил глюкозаамин 12,4% глюкозоамин ва 5% сув сақлайди. Қисқичбақаларнинг ва бошқа қисқичбақасимонларнинг мугуз қопламасининг кимёвий таркиби 1-жадвалда келтирилган [2].

Осон ва кўплаб овланадиган яна бир обект ваттачис Ласустрис ҳисобланади. Унинг захираси 1000 тонналаб мавжуд бўлиб, уларни овлаш сув ҳавзаларида биологик мувозанатга зарар етказмайди. Уларнинг мугузли қопламаси қалинлигининг кичикилиги (100-500 мкм) ва хитин миқдорининг (25-30%) кўплиги, хитин ва хитозан олишда уларни қайта ишлов бериш жараёнини енгиллаштиради.

Яна бир истиқболли манбалардан бири, Антарктида секторидаги хинд океани, тинч океани ва Атлантик океанларда кўп учрайдиган антарктида крили ҳисобланади. Айрим текширишларга кўра унинг захираси 50 млн. тоннани ташкил қиласди, крилл хомашёсидан хитин чиқиши 1% ни ташкил қиласди. Жаҳонда крилни овлаш 100 минг тонна бўлиб, уларни йил бўйи овлаш мумкин [3].

1-жадвал. Қисқичбақасимонлар мугуз қопламанинг кимёвий таркиби.

Хом ашё тури	Намлик %	Умумий азот	Липидлар	Минерал моддалар	Хитин
Қисқичбақа мугузли қоплами	9,7	5,9	0,9	33,8	32,4
Креветка мугуз қоплами	9,8	6,7	13,9	24,8	9,7
Дарё қисқичбақасининг мугуз қоплами	8,0	5,8	9,0	42,0	35,0
Куритилган гаммарус	10	8,7	7,7	26,1	6,6

Музлатилган гаммарус	77,2	9,04	14,1	20,9	6,2
Антарктида крили	73-77	45 гача	2,0-3,2	2,6-3,0	2,8-4,5
Калмор гладиуси	-	-	2-5	0,5-2	28-35

Хитин ва хитозанни олиш манбаларидан бири замбуруғлар ҳисобланади. Асрасиалес замбуруғидан ташқари, барча замбуруғларнинг хужайра деворларида хитин мавжуд. Замбуруғларнинг култиватсиаллаш ва организмларнинг систематик ҳолатига қараб хитиннинг миқдори қуруқ массага нисбатан 0,2% дан 26% ни ташкил қиласди. Мисол қуруқ биомассага нисбатан хитиннинг миқдори Аспергилласеалда 20-22% пениシリум 4-5,5%, юқори замбуруғларда 3-5%, замбуруғларда 6,7% ни ташкил қиласди. Бир турга тегишли бўлган замбуруғлар таркибидаги хитиннинг миқдори турли хил бўлади. Мисол, Аспергилласеал оиласига мансуб бўлган микромитсетлар орасида хитиннинг миқдори қуруқ массага нисбатан Афлавусда-22%, Анигерда-7,2%, Апараситисусда-15,7% ни ташкил қиласди.

Ҳашаротлар ҳайвон оламининг кўп сонли вакили бўлиб, миллион турларга эга. Ҳашаротлар танаси 2 хил хужайрадан ташкил топган эпидермиснинг тирик хужайралари ва шу хужайраларнинг чиқиндиси бўлган-кутикулалардан ташкил топган. Кутикула, танани бутун қоплаб, ташқи скелетни ташкил қиласди ва у 2 қаватдан ташкил топган.

2-жадвал. Ҳашаротлар тана қопламасида хитин миқдори.

	Хитин %	Хитин сақловчи обектлар	Хитин %
Қаттиқ қанотли ҳашаротлар		Хартумли ҳашаротлар	
Қанот усти	41,6	Қанот усти	27,0
Калорадо қўнғизи	32,2	Тангача қанотли ҳашаротлар	25,0
Қўнғиз-буеу	40,0	-----	
Жужелитс	36,1	Кўкш қанотли ҳашаротлар	33,7
Май қўнғизи	33,9	-----	
Қаттиқ қанотли ҳашаротлар личинкасининг кутикуласида		Сувараксимонлар	35,0

Брокутиуланинг қалин ички қавати (қалинлиги 200 мкм гача) ката миқдордаги сув билан фарқ қиласди ва оқсил матритсага ўрнатилган хитинли толалардан ташкил топган. Эпиктууланинг майин ташқи қаватида хитин бўлмайди (қалинлиги 1-3мкм). Сув ўтказадиган прокутикула тўқима ва хужайраларнинг механик ҳимояси вазифасини бажаради, сув ўтказмайдиган эпиктукула эса-қуриб қолишдан ҳимоя қиласди. Прокутикула 2 қисмга бўлинади: эпиидермисга тулашган юмшоқ эндокутикула ва унинг устида жойлашган мустаҳкам экзокутикуладан ташкил топган. Эндокутикула атрофида қотиш ва пигментацияланиш жараёни кузатилмайди. Хитин протеинли комплекснинг полимер молекулалари, помелл-майин пластинкалардан ташкил топган, кетма-кет жойлашган қаватдан ҳосил қиласди [4].

Ўзбекистон худудидаги махаллий хом ашёларидан унумли фойдаланиб, хитин, хитозан ва унинг ҳосилаларини олиниш технологияларирни чуқур ўрганиб, уни кенг йўлга қўйиш, шу билан бирга импорт ўрнини босувчи хитозан асосли нанокампозитли материалларни олишни амалга ошириш айни пайтда долзарб муаммолардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Полимерлар кимёси ва физикаси институти директори, академик Сайёра Раширова рахбарлигига табиий полимер сифатида хитин олиш учун хомашё сифатида эса пилла қайта ишланганидан сўнг қоладиган ипак қурти ғумбаги танланди[5].

Биз эса устозимиз к.ф.д, профессор Г.А. Ихтиярова бошликларида хитин ва хитозан олишни бугунги кунда президентимиз Ш.М.Мирзиёев фармонлари билан юртимизда ривожланиб бораётган соҳа асаларичиликда нобуд булган асаларидан олишни йўлга қўйдик [6].

Фойдаланилган адабиётлар

1. Милушева Р.Ю., Раширова С.Ш. //Хитин, хитозан Bombyx mori и наносистемы на их основе. Ташкент: ФАН, 2016.
2. Г.А.Ихтиярова Биопарчаланувчи хитин ва хитозан полимерлари олиниши, хоссалари ва қўлланилиши. Монография 2017. 100 б.
3. F.N. Qurbonova. Jonsiz asalaridan O-karboksimetilxitozan olinishi, xossalari va qo'llanilishi. Monografiya. Buxoro-2023. P.119.
4. Ixtiyarova G.A., Qurbonova F., Nuriddinova F.M., Muinova N.B. Xitin va xitozanning tuzilishi, olinishi va ishlatilish sohalari // Бухоро илмий ахборотномаси 2014. -№4. Б.26-30.
5. Ихтиярова Г.А., Маматова Ш.Б., Курбанова Ф.Н. // Получение и характеристизация хитина и хитозана из подмора пчелы Apismellifera. Журнал Юниверсум. 2018.